



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 17-fevral • Seshanba • 21 (27.982) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

«2008 йилда ўртача иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёд, бутун иқтисодиёт бўйича эса 1,4 баробар ошди. Натижада ўтган йили ўртача иш ҳақи миқдори 300 АҚШ долларидадан ортиқ бўлди. Аҳолининг реал даромадлари эса йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди.»

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI MAJLISINING QARORI

2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2008 йилда иқтисодиётнинг юқори барқарор ва мувозанатли ўсиш суръатлари, макро-иқтисодий барқарорлик таъминланди, таркибий қайта ўзгаришлар, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишлари давом эттирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиётни, унинг етакчи, энг аввало, экспортга йўналтирилган тармоқларини ривожлантиришнинг самарадорлиги ва мувозанатлашганлигига 2008 йилда юзга келган жаҳон иқтисодий кризиси ва унинг оқибатлари салбий таъсир этмокда.

Шунга қарамай, 2008 йилда иқтисодиёт ўсишининг барқарор суръатлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг макро-иқтисодий кўрсаткичлари мувозанатлашганлиги сақлаб қолинди. Ўтган йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,0 фоизни ташкил этди, sanoat mahsulotlari ishlab chikarish hajmi 12,7 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ishlab chikarish hajmi 4,5 фоизга, қурилиш ишлари hajmi 8,3 фоизга, чакана savdo айланмаси hajmi 17,2 фоизга, хизматлар кўрсатиш hajmi 21,3 фоизга ўсди. Davlat byudjeti ялпи ички маҳсулотга nisbatan 1,5 фоиз миқдоридан proficit bilan ижро этилди, инфляция даражаси prognozdaги кўрсаткичдан юқори бўлмади ва 7,8 фоизни ташкил қилди.

Фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 28,3 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг 71,2 фоизга ўсишини таъминлади. 423 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди, иқтисодиётнинг турли тармоқларида 90 та техник модернизация қилиш лойиҳаларини амалга ошириш тугалланди.

Ташқи savdoni тармоқлар ва минтақалар бўйича диверсификациялаш таъминланмокда, ўсиб бораётган Осиё бозори билан savdo айланмаси кўпаймокда. Экспорт hajmi 28,7 фоизга ўсди. Ташқи savdo айланмасида ижобий салдо 1,8 баравар кўпайди.

Бозор инфратузилмаси фаол ривожланмокда. Банкларнинг жами капитали 2007 йилга nisbatan 40 фоизга, кредит қўйилмалари 33,4 фоизга, аҳолининг банк депозитларидаги маблағлари эса 65,3 фоизга ўсди. Суғурта хиз-

матлари hajmi 25,6 фоизга кўпайди. Аҳоли бандлиги ва турмуш даражасида сифат ўзгаришларини таъминлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизматлар соҳаси ва касаначиликни изчил ривожлантириш давом этмокда. Кичик бизнес sanoat ishlab chikarish hajmi 21,8 фоизга ўсди. Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг салмоги 2007 йилдаги 45,7 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга, ялпи ички маҳсулотда хизматлар соҳасининг улуши эса тегишли равишда 42,5 фоиздан 45,3 фоизга ўсди. Ўтган йилда қарийб 661 мингта, шу жумладан касаначилик ҳисобига 97,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Аҳоли реал даромадларининг 23 фоизга ўсиши таъминланди.

«Ёшлар йили» Davlat dasturi доирасида ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, ёш оилаларнинг турар-жой ва маиший шарт-шароитларини яхшилаш, ёшларнинг таълими сифатини ошириш бўйича умумий суммаси 1363,5 млрд. сўмлик тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, sanoat mahsulotini ishlab chikarishni кўпайтиришнинг энг муҳим омилли сифатида маҳаллий хомашё асосида маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича айрим тармоқларнинг имкониятларидан етарлича фойдаланилмапти, ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, шунингдек, уларни экспортга етказиб беришни кўпайтириш ишлари суст ташкил этилган.

Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини, транспорт коммуникациялари ва йўл қурилишини янада ривожлантириш, айниқса, қишлоқ ҳойларда ривожлантириш масалалари жиддий эътибор беришни талаб қилади.

2. Куйидагилар 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий кризиси оқибатларининг олдини олиш ва баргараф қилиш бўйича кризисга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узок муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;

(Davomi 2-бетда)

Муносабат



Ўтган йили тўсатдан коллежимизга бир гуруҳ чет эллик сайёҳлар кириб келишди.

— Йўлда кетаётиб, бу гўзал бино нима деб сўраб қолишди, — деди таржимон қиз. — Истасангиз, кириб кўрайлик, дедим.

Меҳмонлар коллежнинг ўқув, компьютер, лингафон хоналари, кимё, физика лабораториялари, қишқи спорт залию маданий тадбирлар саройини кўздан кечирди. Улар бу ерда банк иши, молия, солиқ ва солиққа тортиш, менежмент, бухгалтерия каби мутахассислар тайёрланаётгани, қишлоқ йигит-қизларнинг фанларни нақадар катта қизиқиш билан ўзлаштираётганига, интернет тизими орқали кутубхоналардан ўзига керакли маълумотларни олишгаётганига гувоҳ бўлиб, ҳайратга тушишди.

— Хатто чет қишлоқларда ҳам таълимга шундай эътибор берилмаётган экан, бундай давлатнинг, халқнинг келажаги порлоқдир, — деди сайёҳлардан бири

«Ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш масалаларига устувор аҳамият берилиши натижасида 113 минг 200 ўқувчига мўлжалланган 169 та касб-ҳунар коллежи ва 14 минг 700 ўринли 23 та академик лицей қурилиди ва реконструкция қилинди. Шу билан бирга, 69 та янги мактаб барпо этилди ва 582 та мактаб капитал реконструкция қилинди. Шулар қаторида 184 та болалар спортинишпооти, 26 та қишлоқ врачлик пункти ва 7 миллион 240 минг квадрат метр турар-жой бинолари ва бошқа объектлар қурилди.»

Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан.



КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

ҳажон билан.

Очиғи, бизнинг шаҳар-қишлоқларимизда йил сайин янгидан-янги мухташам бинолар бунёд этилмокда ва бунга кўзимиз ўрганиб қолди. Дарҳақиқат, биргина Фарғона вилоятида ўтган йилнинг ўзида 12 та янги касб-ҳунар коллежи қуриб фойдаланишга топширилди. Яна иккитаси

мукамал таъмирланди. Бу ишларга давлатимиз томонидан 28,5 миллиард сўм сарфланди.

Бизнинг Водил қишлоғидаги Ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи уларнинг бири. Ўтган йил очилган таълим даргоҳида ҳозир 330 нафар ўқувчи ўнга яқин ихтисослик бўйича таҳсил олмокда.

Бугунги йигит-қизлар миллатимизнинг энг бахтли авлоди, дейиш мумкин. Улар ёшларга беқийёс ғамхўрлик кўрсатилмаётган шундай хур замонда камолга етмокда. Мен илм масканимиздан халқимиз кутаётган, Ватанимиз фахрига айланадиган етук олим, мутахассис, фидойи

инсонлар етишиб чиқишига ишонаман.

Маъмурдон СИДДИҚОВ,
Фарғона туманидаги
Ижтимоий-иқтисодий
касб-ҳунар коллежи
директори,
ЎзХДП фаоли.

3-бет

Фракция фаолияти УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ — ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

ва тарбибот ишларини такомиллаштиришдан иборат, дея таъкидланди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ййгилишида

Депутатлар дастлаб Президентимизнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган фракциянинг вазифаларини муҳокама қилишди. Бу масала юзасидан фракция аъзоси, партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, иқтисод фанлари доктори

Шарбат Абдуллаева маъруза қилди. — Гарчи жаҳонда иқтисодий инқироз ҳукм сурса-да, ўтган йил мамлакатимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сақлаб қолинди, — деди у. — Ялпи ички маҳсулот ўсиши 9 фоизни ташкил қилгани, sanoat ishlab chikarish, хизматлар кўрсатиш соҳаларида ҳам ижобий кўрсаткичларга эришилгани бунинг яққол тасдиғидир. Энг асосийси, аҳолининг даромадлари, турмуш фаровонлиги, меҳнатдан манфа-

атдорлик олиб бормоқда. Президентимиз бунинг аниқ мисоллар билан таъкидлаб ўтди. Эришаётган ютуқларимизнинг салмоғи катта. 2009 йил ҳам мамлакатимиз, халқимиз юрт ободлиги, турмуш фаровонлиги йўлида улкан вазифаларни амалга ошириши белгиланган. Davlat dasturlarini изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишда биз, фракция аъзолари ҳам фаол иштирок этишимиз талаб қилинди. Бу масала юзасидан, шунингдек, фракция аъзолари Илҳом

Аҳмедов, Нурдинжон Исмоилов ва бошқалар ҳам ўз фикрларини билдиришди. Депутатларнинг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш, сайловчилар ўртасида 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилган илохотларнинг мазмун-моҳияти, 2009 йилда кўзда тутилган устувор йўналишларни кенг тарғиб қилиш ҳақида фикр алмашилди.

Мажлисда Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилмаётган «Коллекторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан «Банк сирни тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳалари ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Мазкур масалалар юзасидан Бюджет ва иқтисодий илохотлар кўмитаси аъзоси Алиқул Эрдонаев маъруза қилди.

Депутатлар «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғри-

сида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди. Мазкур лойиҳа юзасидан Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси Боймурод Юсупов маъруза қилди.

Ййгилишида, шунингдек, Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг 2009 йилга иш режаси ҳам муҳокама қилинди. Бу ҳақда фракция раҳбари Аслиддин Рустамов маъруза қилди.

Иш режасидан фракция ваколатига қирадиган ишлар, жорий йилнинг Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши муносабати билан амалга ошириладиган тадбирлар ўрин олган. Фракция аъзоларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланишни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ййгилиш хун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари ишлаб чиқилди.

Бехроҳ ШУКУРОВ

ҚУТ-БАРАКА — ШУКРОНАЛИКДА

Бозорларимизда нарх-навонинг арзонлашаётгани — фаровонлигимиз кўзгусидир

Жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз қўланкаси тобора қуюқлашмокда. Инқироз ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни чуқурроқ қамраб олмокда. Бу эса мазкур давлатларда ишлаб чиқаришнинг пасайишига, ишсизликнинг ўсишига, аҳоли ҳаёт даражасининг ёмонлашувига олиб келмокда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, айниқса, меҳнат бозорига қучли зарба берди. Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоботида қайд этилишича, 2009 йилда 1,4 миллиард киши, яъни сайёраимиз аҳолисининг чорак қисми қашшоқлик домига тушган. Инқирознинг салбий оқи-

батлари таъсири қўшни мамлакатларда ҳам яққол сезилмокда. Хусусан, 2008 йилда улардан бирида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари қутиланган анча кам бўлди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи сезиларли даражада ошмокда. Мамлакатимиз иқтисодиёти

жаҳон ҳўжалиги ва иқтисодий-молиявий тизимга тобора қучур интеграциялашиб бораётгани натижасида инқирознинг оқибатлари бизга ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмапти.

3-бет

2009 yil 25-27.02 O'zbekiston Toshkent «O'zbekiston Respublikasi» MKK OAJ TURKMANISTONNING O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDAGI MILLIY KONGRESSI

ЎзХДП ҳаёти «СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРАФДОРЛИМИЗ»


Янги лицей, мактаб, спорт иншооти, қишлоқ врачлик пункти, уй-жой

ҲАЁТ СИНОВЛАРИ ВА ҚУВОНЧЛАРИ

Бобурхонлик

ЭҲТИРОМ

Шоҳ ва шоир Заҳириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 526 йиллиги туғилган юрти Андижонда кенг нишонланди. Шаҳар марказидаги Бобур номи билан аталувчи майдонда шоир ҳайкали пойига гулдасталар қўйилди. Маросимда Тошкентдан келган шоир олимлар, жамоатчилик вакиллари номидан Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов эҳтиром сўзларини билдирди.



Лоҳазалар билдирилди. Буюк шоир ва давлат арбоби таваллудига бағишланган тадбирлар Андижон давлат университети, институт, коллеж, академик лицей ва мактабларда ҳам ўтказилди.

Ахмадилло СОЛИЕВ

МИЛЛАТ ФАХРИ

Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида буюк саркарда, давлат арбоби ва атоқли шоир Заҳириддин Мухаммад Бобур таваллудига бағишланган «Бобур — миллатимиз фахри» мавзуда маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг таниқли олимлари, ўқитувчи-профессорлари, бир қатор олий ўқув юрталари ҳамда коллежлари талаба-ёшлари қатнашди. Тадбирда сўзга чиққан Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари, шоир Минҳонжиддин Мирзо, таниқли олим Тура Мирзаев ва бошқалар Бобур ҳаёти ҳамда ижодининг ибратли жиҳатлари ҳақида маъруза қилди. Талабалар улғу шоир ижодидан намуналар ўқиди. Сўнгра Заҳириддин Мухаммад Бобурга бағишланган фильм намойиш этилди.

Эркин ХОЛБОБОВ

МУШОИРА ЭТАДИ ДАВОМ

Нукус давлат педагогика институтини республика Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда «Бобур — адолатли ҳукмдор ва мутафаккир шоир» мавзуда илмий-амалий анжуман ўтказди. Унда фан ва маданият, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига тўхталиб, газалларидан намуналар ўқиди. Бундай анжуманлар, адабий кечалар олий ўқув юрталари, академик лицей, касб-хунар коллежи ва мактабларда, қишлоқ ва овулларда бўлиб ўтди.

Реймбой ЭШИМБЕТОВ

Орамиздаги одамлар

ҲАЁТ СИНОВЛАРИ ВА ҚУВОНЧЛАРИ



— Тақдир экан, беш ёшимда оёқларим ишламай тўшака михлиниб қолдим, — дейди Насрулло. — Аммо тақдир ҳукмига бўйсунмасдан изландим, интилдим. Яхши одамларнинг кумаги, беминнат ёрдами билан уйда савод чиқардим. 11-ҳамда 19-умумий ўрта таълим мактабларининг Алла Қораев (марҳум), Қудрат Ҳамзаев, Ражаб Маматқулов, Қудрат Бердиев каби устоз ва мураббийларидан бир умр миннатдорман. У 1994 йилдан республика радиоси эшиттиришларида қатнаша бошлади. 1997 йилда «Ёш ижодкор» танлови ғолиби бўлди. Инглиз, рус, тожик, араб тилларини мукаммал ўзлаштирди. — Насруллода метин ирода бор, — дейди журналист Искандар Халилов. — Ундан ўрнатилган ҳаётини мукаммал ўзлаштирди. 1988 йилда у чизган расмлар «Гулхан» журналида чоп этилди. 1990 йилда республика миқёсида ўтказилган «Менинг биринчи китобим» танловида иштирок этган ёш шоир ғолибликни қўлга киритди. 1991 йилда «Гулхан»да эълон қилинган «Меҳроҳ» ҳикояси диплом

дейди Нарғиза Назарова. — Шу киши билан умримни боғлаганимдан бехад хурсандман. Худого шукр, икки нафар фарзандимиз бор. Оиламиз тинч, тўқинфаровон. — Ҳаётда унутилмас лаҳзалар, ёдда қоларли дамлар кўп бўларкан, — дейди Насрулло. — Матбуотда эълон қилинган илк мақола, дастлабки ҳикоя, биринчи китобим... Буни қарангки, тўйимиз бўлиб ўтганига ҳам 15 йил тўлмоқда. Ўғлим Темурбек туғилганда мендан бахтли инсон бўлмаган. Ўтган йилнинг май ойида у Термиз шаҳридаги ўйингоҳда бўлган катта концертда кўшиқ айтганида кўзларимга севинч ёшлари келди.

Умр — бебаҳо неъмат! Кишидан яхши ном, эзгу иш, ажойиб авлод қолса, умр баракали ўтганидан нишондир. Насрулло Холмуродов ҳам ҳаётнинг ҳар бир кунидан самарали фойдаланиб, ижод қилаётган, шукроналик билан яшаётган замонадошларимиздан бири.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири. Суратда: Насрулло Холмуродов (чапда) Маҳмуд Назаров билан.

Мутахассис маслаҳати

ГРИППДАН ҚАНДАЙ САҚЛАНИШ МҲМКИН?

Юртимизнинг иқлими кескин континентал бўлиб, тўрт фасли ҳам узига хос. Фасллар алмашганда, табиийки, ҳаво ҳарорати ҳам кескин ўзгаради. Бундай шароитда баъзи одамлар организмни ўта сезувчан бўлади. Шу боис, куз мавсумининг охири ва эрта баҳорда аҳоли орасида тумов, шамоллаш, гриппга чалиниш ҳолатлари тез-тез учрайди. Одамлар бундай касалликлардан сақланиши учун, аввало, улар ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиши мумкин. Айни кунларда грипп билан оғриган болалар, катталар ва кекса ёшлагилар кўп учраётган.

Грипп кўзгатувчи микроблар — ортомикровируслар оиласига киради. Одатда хасталикка чалинганда тана ҳарорати 38-40° С гача кўтарилади. Холсизлик, бош айланиши, оғриши (айниқса, пешонада), кўлоқ шангиллаши юз бериб, томоқ, халқум, нафас йўли қирилиб оғрий бошлайди. Бир неча соатдан сўнг бурун ва кўздан ёш оқиб, қуруқ йўтал бошланади.



захоти бемор ётиши керак. Унга биринчи навбатда тинчлик даркор. Дам олиши, иссиқ сўт ичиши, иссиқ ишқорий қараганда, ер юзиде руй бераётган иқлимий ўзгаришлар, атраф муҳит ва экологиянинг ифлосланиши, сунъий толарлардан

ичимликлар (боржом суви, бир стакан сувга 1/2 чой қошиқ чой содаси аралаштириб) истеъмол қилиши лозим. Шунингдек, кўкрак қафасининг олд юзасига хангал қўйиб, тана ҳарорати кўтарилганда овқатдан сўнг 3-4 маҳал 0,5 г. ацетилсалицилат кислотаси ичишни тавсия этамиз. Илмий тадқиқотларга қараганда, ер юзиде руй бераётган иқлимий ўзгаришлар, атраф муҳит ва экологиянинг ифлосланиши, сунъий толарлардан

Унда ТҲХТАЕВА, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти аспиранти.

«РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси. 2009 йилининг 20 мартидан аукцион савдоларига қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилишини маълум қилади: Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уйда жойлашган Qishloq xo'jaligini tarkibiy qayta tuzish Agentligi tasarrufidagi 2002 йилда ишлаб чиқилган, давлат рақами 10 AP 895 бўлган «ГАЗ-3102» русумли автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси — 5 135 000 сўм. Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Муртазов кўчаси, 4-уйда жойлашган Respublika ihtisoslashtirilgan kardiologiya markazi tasarrufidagi 1995 йилда ишлаб чиқилган, давлат рақами 10 AJ 254 бўлган «ВАЗ-21061» русумли автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси — 2 500 000 сўм. Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичиде олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади. Савдоларда қатнашиш истagini билдирган талаб-торлар объектнинг бошлангич нархидан 15 фоиз миқдоридеги закат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000004243151002 ҳисоб рақамига ўзлаштирилади. Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтамолади. Савдолар соат 11.00 да бошланади. Мазкур автотранспорт воситалари савдога қўйилиши белгиланган кунда сотилмаган тақдирде ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари ўтказилган навбатдаги аукцион савдоларига қўйилади. Савдола Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефон: 233-23-40.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ. «Ўзмиллийбанк» балансида турган мол-мулк ва технологик ускуналарни сотиш мақсадида потенциал инвесторларни саралаб олиш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ: 1. Шоколад қопланган вафли маҳсулотлари ишлаб чиқарилган технологик ускуналар: Ишлаб чиқариш қуввати — соатига 100-130 кг. Ускуна ишлаб чиқарувчиси — Австриянинг «HAAS Waffelmaschinen» фирмаси. 2. Технологик ускуналар, инвентарь ва бошқа товар моддий бойликлар. 3. Бинолар, иншоотлар ва инфраструктуралар: Умумий майдони 1306 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш, омбор, маъмурий бинолар ва бошқа иншоотлар. Ер участкасининг умумий майдони — 3 099 кв.м. Технологик ускуналар ва бино, иншоотлар якка ҳолида ёки мулкий комплекс кўринишида сотилиши мумкин. Жойлашган манзили: Андижон вилояти, Асака шаҳри, Маҳсудова кўчаси, 2. Танлов ҳужжатларини ҳамда танловни ўтказиш тартиби ва процедураси ҳақидаги қўшимча маълумотларни танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар ҳар кун (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача «Ўзмиллийбанк» Кредит хатарлари бош бошқармасидан олиш мумкин. «Ўзмиллийбанк» танлов таклифларини қабул қиладиган охириг муддат — 2009 йил 19 март кунин соат 18.00 гача (маҳаллий вақт билан). Танлов ҳужжатларини ва қўшимча ахборот олиш учун қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101-уй, «Ўзмиллийбанк» Кредит хатарлари бош бошқармаси. Телефон: 234-42-69, 234-11-17. Факс: 235-57-04.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV. TAHRIR HAY'ATI: Abdulla OROPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Feruz NAZIROV, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Ta'yan KISTANOVA, G'afur HOTAMOV, Muziliddin MUHIDDINOV, Nomoz SA'DULLAYEV, Svetlana GERASIMOVA, Andrey KUSTOV, Ochlilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV. MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI. BO'LIMLAR: Partiya hayoti 233-10-13, Madaniyat va sport 233-69-45, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56, Mas'ul kotib 233-72-83, Reklama va e'lonlar 233-38-55. VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda 25-32-70, Buxoroda 222-10-92, Gulistonda 25-22-32, Jizzaxda 5-49-85, Navoiyda 223-83-73, Namanganda 6-43-43, Nukusda 222-70-15, Samarqandda 35-20-54, Urganchda 226-51-35, Farg'onada 26-43-62, Denovda 8-37641-23-780. MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. Navbatchi: Alisher ROZIYEV. Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV. ISSN 2010-7633. O'ZA yakuni — 22.00. Topshirilgan vaqti — 23.45. 1 2 3 4 5 6 7 8. Soluvda erkin narxda.